

Адиб, иирик давлат арбоби Шароф Рашидов 1917 йилнинг 5 ноябрида Жиззахда дехкон оиласида таваллуд топган, Наримонов мактабида тахсил кўрди. 1934 йилда Жиззахдаги педагогика техникумини, 1941 йилда Самарканд дорилфунунини тугатади. Шундан сўнг муаллим ва мухбир сифатида ўз фаолиятини бошлайди.

1938-1941 йилларда Самарканд вилоятининг «Ленин йўли» рўзномасида ишлайди. 1941-1942 йилларда Улуг Ватан урушида катнашади. Фронтдан кайтгач, 1944-1947 йилларда раҳбарлик ишига ўтади. Самарканд вилоят партия котиби бўлиб фаоллик кўрсатади,

1947—1949 йилларда «Кизил Ўзбекистон» рўзномасига мухаррирлик килади. 1940-1950 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, 1950-1959 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгashi Раёсатининг раиси, 1959-1983 йилларда Ўзбекистон Компартиясининг Биринчи котиби бўлиб ишлади. Токи умрининг охиригача Республика партия ташкилотига раҳбарлик килди. Шунингдек, Иттифок Партия Марказий кўмитаси Сиёсий Бюроси аъзолигига номзод хам эди. У ўн бир марта «Ленин ордени», икки марта (1974, 1977) «Мехнат қаҳрамони Олтин юлдузи» ва Ленин мукофоти совриндори хам бўлган.

Унинг ижоди асосан 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган бўлиб, дастлаб шеъриятда калам тебратган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Самарканд куйлари» номи билан босилган. Сўнг эса «Ўлкам», «Орзуимиз» (1939) каби шеърлари чоп этилган. Улуг Ватан уруши даврида фашизмга карши галабага етакловчи шеърлар ёзиб, 1945 йилда «Қаҳрим» номи билан тўплам сифатида чоп эттиради. У айни чогда адабиётшунос ва мунаккид сифатида хам калам тебратган эди. У жанг майдонларида:

Агар жангдан кайтсан оркамга,
Laънат ўкинг, яшашим бекор, —

деган ахд билан она-Ватан душманларига, фашизмга карши қаҳр-газаб тўйгуларини тўкиб сочади.

Шароф Рашидов маколанавис — публицистикдан камолга етган адиб даражасига кўтарилиди. Шунинг учун хам унинг бадиий ижоди намуналарида бу рух етакчи ўринни эгаллайди. Адебнинг катта наср намуналари бўлган «Голиблар», «Бўрондан кучли», «Кудратли тўлкин» романларида урушдан кейинги Ўзбекистон ҳалкини, тикланиш йилларидаги мехнат жасоратлари бадиий ифодасини топган.

Ижодкорнинг «Кашмир кўшиги», «Комде ва Мудан» каби лирик киссалари анъанавий Шарқ достончилиги услубида битилган бўлиб, ёшлиқ, баҳор, гўзал хаёт нашидаси мадхига багишлангандир. Адиб хаётининг сўнгги йилларида яратган «Дил амри» киссаси Ватан уруши йилларида Белорус заминида кечган жанг манзаралари, турли миллат жангчиларининг галаба йўлида олиб борган хаёт-мамот кураши тасвирига багишланган.

Шароф Рашидов Шўро хокимияти даврининг барча давлат арбоблари сингари вафотидан кейин кораланди. Хаёти ва ижодини ўрганиш таъкикланди. Мустакиллик шарофати билан камтарин адаб ва давлат арбобининг номи кайта тикланди. У 1983 йилнинг кузида тўсатдан вафот этди.